# IMPROVING THE INSTITUTIONAL AND LEGAL MECHANISMS FOR ENSURING JUDICIAL INDEPENDENCE

**Shinibaeva Umida Alievna**
Attorney, “Turon Lowyers” Law Firm

**Abstract**

This thesis analyzes the legal nature of judicial independence, the institutional and procedural guarantees for ensuring it, and issues related to improving this institution within Uzbekistan’s judicial and legal system. It examines the interrelationship between the selection and appointment of judges, non-interference in judges’ professional activities, disciplinary liability, legal and social guarantees for judges, and mechanisms for protecting judicial independence. The study proposes an approach based on ensuring judicial independence at the institutional, individual, and procedural levels.

**Keywords**

judge, judiciary, judicial independence, administration of justice, judicial status, Supreme Council of Judges, selection of judges, appointment of judges, judicial immunity, judicial and legal reforms.

# СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Shinibaeva Umida Alievna**
**"Turon Lowyers" адвокатлик фирмаси адвокати**

**Аннотация**

Ушбу тезисда судьялар мустақиллигининг ҳуқуқий табиати, уни таъминлашнинг институционал ва процессуал кафолатлари ҳамда Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида мазкур институтни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинади. Судьяларни танлаш ва тайинлаш, судьяларнинг касбий фаолиятига

аралашмаслик, интизомий жавобгарлик, судьяларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлари ҳамда судьялар мустақиллигини ҳимоя қилиш механизмларининг ўзаро боғлиқлиги ёритилади. Тадқиқот натижасида судьялар мустақиллигини институционал, индивидуал ва процессуал даражаларда таъминлашга асосланган ёндашув илгари сурилади.

**Калит сўзлар:** судья, суд ҳокимияти, судья мустақиллиги, одил судлов, судья мақоми, судьялар олий кенгаши, судьяларни танлаш, судьяларни тайинлаш, судья дахлсизлиги, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари.

В настоящих тезисах анализируются правовая природа независимости судей, институциональные и процессуальные гарантии ее обеспечения, а также вопросы совершенствования данного института в судебно-правовой системе Узбекистана. Раскрывается взаимосвязь механизмов отбора и назначения судей, недопустимости вмешательства в профессиональную деятельность судей, дисциплинарной ответственности, правовых и социальных гарантий судей, а также механизмов защиты независимости судей. По результатам исследования предлагается подход, основанный на обеспечении независимости судей на институциональном, индивидуальном и процессуальном уровнях.

**Ключевые слова:** судья, судебная власть, независимость судей, правосудие, статус судьи, Высший судейский совет, отбор судей, назначение судей, неприкосновенность судьи, судебно-правовые реформы.

This thesis analyzes the legal nature of judicial independence, the institutional and procedural guarantees for ensuring it, as well as issues related to improving this institution within the judicial and legal system of Uzbekistan. The study examines the interrelationship between the mechanisms for the selection and appointment of judges, non-interference in the professional activities of judges, disciplinary liability, legal and social guarantees for judges, and mechanisms for protecting judicial independence.

Based on the findings of the study, an approach is proposed that ensures judicial independence at the institutional, individual, and procedural levels.

**Keywords:** judge, judiciary, judicial independence, administration of justice, status of a judge, Supreme Judicial Council, selection of judges, appointment of judges, judicial immunity, judicial and legal reforms.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принципларидан бири бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Судья мустақиллиги таъминланмаган шароитда суд қарорларининг холислиги, адолатлилиги ва қонунийлигига нисбатан жамоатчилик ишончи пасайиши мумкин.[1]

Судья мустақиллиги деганда фақат судьяга ташқи таъсир ўтказишни тақиқлашни тушуниш етарли эмас. У судьяни лавозимга танлаш ва тайинлашдан тортиб, унинг касбий фаолияти, хизмат муддати, интизомий жавобгарлиги, ижтимоий таъминоти ва ваколатларини амалга оширишгача бўлган муносабатларни қамраб олувчи комплекс ҳуқуқий кафолатлар тизимини ифодалайди. Шу нуқтаи назардан судьялар мустақиллигини таъминлаш масаласи нафақат процессуал ҳуқуқ, балки конституциявий ва институционал ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Судьялар мустақиллигининг мазмунини шартли равишда уч даражага ажратиш мумкин.

Биринчиси — институционал мустақиллик. Бу суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан ташкилий ва функционал жиҳатдан мустақиллигини англатади.

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.

Иккинчиси — индивидуал мустақиллик. Бунда алоҳида судьянинг касбий фаолиятига ташқи таъсир кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги, судьянинг ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлари таъминланиши назарда тутилади.

Учинчиси — процессуал мустақиллик. Судья муайян ишни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш жараёнида бошқа судьялар, суд раҳбарияти, давлат органлари ёки бошқа шахсларнинг асоссиз таъсиридан холи бўлиши лозим.

Халқаро стандартларда ҳам судьяларнинг мустақиллиги одил судловнинг ажралмас шарти сифатида эътироф этилган. Хусусан, Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг CM/Rec(2010)12-сон Тавсиясида судьялар қарор қабул қилишда ташқи таъсир ва босимлардан холи бўлиши, уларни танлаш ва касбий фаолиятига оид қарорлар эса объектив мезонларга асосланиши лозимлиги белгиланган.[2]

Ўзбекистонда судьялар мустақиллигини таъминлашнинг институционал асосларидан бири сифатида Судьялар олий кенгашининг ҳуқуқий мақомини кўрсатиш мумкин. Кенгаш суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва судьялар корпусини шакллантириш билан боғлиқ муҳим вазифаларни амалга оширади. Шу билан бирга, судья мустақиллигини таъминлаш фақат судьяларни танлаш ва тайинлаш механизми билан чекланмаслиги лозим. Судьянинг касбий фаолияти давомида унинг мустақил қарор қабул қилиши учун етарли ҳуқуқий кафолатлар яратилиши зарур.[3] Айниқса, судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш институти алоҳида аҳамиятга эга. Интизомий жавобгарлик судьяларнинг қонун ва касбий одоб талабларига риоя қилишини таъминловчи восита бўлиши билан бирга, судьянинг мустақил қарор қабул қилишига билвосита таъсир кўрсатиш

[2] Council of Europe. Recommendation CM/Rec(2010)12 of the Committee of Ministers to member states on judges: independence, efficiency and responsibilities. Strasbourg, 17 November 2010.

[3] United Nations. Basic Principles on the Independence of the Judiciary, 1985; Council of Europe. Recommendation CM/Rec(2010)12, 17 November 2010.

воситасига айланмаслиги керак. Шу сабабли судьяларнинг интизомий жавобгарлиги асослари аниқ белгиланиши, интизомий чоралар қоидабузарлик хусусиятига мутаносиб бўлиши ҳамда судьяга ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун етарли процессуал имкониятлар берилиши лозим.

Судья мустақиллигининг яна бир муҳим элементи — судьянинг ички мустақиллигидир. Яъни судья фақат ташқи давлат органларидан эмас, балки суд тизими ичидаги асоссиз таъсирдан ҳам ҳимояланган бўлиши керак.

Шу нуқтаи назардан суд раиси ёки юқори турувчи суд раҳбарининг ташкилий-маъмурий ваколатлари билан алоҳида судьянинг процессуал мустақиллиги ўртасида аниқ ҳуқуқий чегара ўрнатиш муҳимдир.

Судьялар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги йўналишларни таклиф этиш мумкин:

1. Судья мустақиллиги тушунчасини қонунчиликда аниқлаштириш**.** Унда институционал, индивидуал ва процессуал мустақиллик элементларини акс эттириш мақсадга мувофиқ.

2. Судьяликка номзодларни танлаш мезонларини янада аниқлаштириш**.** Касбий билим, ҳуқуқни қўллаш қобилияти, касбий обрў ва судьялик одоби каби мезонларнинг ҳуқуқий аҳамияти аниқ белгилаб берилиши лозим.

3. Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш кафолатларини кучайтириш**.** Интизомий жавобгарлик судьянинг муайян иш бўйича қабул қилган ҳуқуқий позициясига таъсир ўтказиш воситасига айланмаслиги керак.

4. Судьянинг ички мустақиллигини кафолатлаш**.** Суд раиси ва юқори турувчи судларнинг маъмурий ваколатлари судьянинг муайян иш бўйича процессуал қарорларига таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этиши зарур.

5. Судья мустақиллигига аралашувни аниқлаш ва ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш**.** Судьяга унинг мустақиллигига аралашув

ҳолатлари юзасидан махсус тартибда мурожаат қилиш ва ҳуқуқий ҳимоя олиш имкониятини бериш мақсадга мувофиқ.

6. Судьяларнинг ижтимоий ва касбий кафолатларини кучайтириш**.** Судьянинг лавозимдаги барқарорлиги, моддий ва ижтимоий таъминоти унинг мустақил фаолият юритиши учун зарур шартлардан бири сифатида қаралиши лозим.

Судьялар мустақиллигини таъминлаш соҳасидаги мавжуд ҳуқуқий ва институционал механизмларни баҳолашнинг натижага йўналтирилган тизимини шакллантириш зарурлиги асосланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одил судлов — 2030» стратегиясида одил судлов ва судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятига оид миллий ва халқаро рейтинг ҳамда индекслардаги кўрсаткичларни хатловдан ўтказиш, салбий таъсир кўрсатувчи омилларни тизимли таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиб бориш вазифаси белгиланган.

Мазкур ёндашувни судьялар мустақиллигига нисбатан ҳам конкретлаштириш мақсадга мувофиқ. Чунки судьялар мустақиллигини фақат қонунчиликда белгиланган кафолатлар мавжудлиги орқали баҳолаш етарли эмас. Ушбу кафолатларнинг амалда қандай ишлаётгани, судьяларга ташқи ва ички таъсир кўрсатиш хавфи қай даражада эканлиги, судьяларни танлаш ва тайинлаш, интизомий жавобгарлик, суд маъмурчилиги, судьяларнинг ижтимоий ва касбий кафолатлари каби омилларнинг самарадорлиги ҳам мунтазам баҳоланиши лозим. Шу муносабат билан судьялар мустақиллигига дахлдор рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичларни алоҳида йўналишлар бўйича таҳлил қилиш ва улардаги салбий натижаларнинг ҳуқуқий сабабларини аниқлаш механизмини жорий этиш таклиф этилади. Бунда рейтинг натижаси паст бўлган ҳар бир кўрсаткич бўйича унинг

сабаби қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ёки ташкилий механизмлар билан боғлиқлиги алоҳида аниқланиши лозим.

Шунингдек, рейтинг ва индекс натижаларини шунчаки статистик кўрсаткич сифатида қайд этиш билан чекланмасдан, улар асосида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, судьялар мустақиллигига салбий таъсир кўрсатаётган омил аниқланган тақдирда, уни бартараф этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, ташкилий чора-тадбир ёки ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш зарур.

Бунда «Одил судлов — 2030» стратегиясида белгиланган рейтинг ва индекслар эълон қилинганидан кейин икки ой муддатда уларни таҳлил қилиш ва салбий омилларни бартараф этиш бўйича таклифлар тақдим этиш механизми судьялар мустақиллигини таъминлаш соҳасидаги доимий мониторинг тизимининг ҳуқуқий асоси сифатида қаралиши мумкин.[4] Тадқиқотда ушбу механизмни такомиллаштириш мақсадида Судьялар олий кенгаши иштирокида судьялар мустақиллигига таъсир қилувчи омилларнинг ягона индикаторлар тизимини шакллантириш таклиф этилади. Ушбу индикаторлар судьяларни танлаш ва тайинлаш, судьяларнинг ваколат муддати, интизомий жавобгарлиги, суд маъмурчилиги, судьянинг ички мустақиллиги, суд қарорларига ташқи таъсирдан ҳимояланиш ва судьяларнинг ижтимоий-касбий кафолатлари каби йўналишларни қамраб олиши лозим.

Натижада рейтинг ва индекслардан фақат Ўзбекистоннинг халқаро кўрсаткичини баҳолаш воситаси сифатида эмас, балки судьялар мустақиллиги соҳасидаги тизимли муаммоларни аниқлаш, уларнинг ҳуқуқий сабабларини

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 14 августдаги ПФ–160-сон «Одил судлов — 2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармони

белгилаш ва қонунчиликни такомиллаштириш учун амалий инструмент сифатида фойдаланиш имконияти яратилади.

Судьялар мустақиллиги одил судловнинг самарадорлиги ва суд ҳокимиятига нисбатан жамоатчилик ишончининг муҳим ҳуқуқий асосидир. У судьянинг фақат ташқи таъсирлардан ҳимояланганлигини эмас, балки унинг касбий фаолияти учун зарур бўлган институционал, ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларнинг мавжудлигини ҳам назарда тутади.

Судья мустақиллигини таъминлашнинг самарали модели институционал, индивидуал ва процессуал мустақилликнинг ўзаро уйғунлигига асосланиши лозим. Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида судьяларни танлаш ва тайинлаш, судьялар корпусини шакллантириш, судьяларнинг ҳуқуқий мақоми ва интизомий жавобгарлиги билан боғлиқ механизмларни янада такомиллаштириш суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, судья мустақиллигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш нафақат суд тизимининг институционал барқарорлигини, балки инсон ҳуқуқларининг суд орқали самарали ҳимоя қилинишини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, 2021 йил 28 июль, ЎРҚ–703-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Қонуни, 2017 йил 6 апрель, ЎРҚ–427-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 14 августдаги ПФ-160-сон «Одил судлов — 2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

5. United Nations. Basic Principles on the Independence of Judiciary. – Adopted by the Seventh United Nations Congress on the Prevention of Crime and the Treatment of Offenders, Milan, 1985; endorsed by UN General Assembly resolutions 40/32 and 40/146, 1985.

6. Council of Europe. Recommendation CM/Rec(2010)12 of the Committee of Ministers to member states on judges: independence, efficiency and responsibilities. – Strasbourg, 17 November 2010.

7. European Commission for Democracy through Law (Venice Commission). Report on the Independence of the Judicial System. Part I: The Independence of Judges. Adopted at the 82nd Plenary Session, Venice, 12–13 March 2010. Strasbourg, 16 March 2010.

8. European Court of Human Rights. Guide on Article 6 of the Convention – Right to a Fair Trial (Civil Limb). Council of Europe/European Court of Human Rights, 2025. Last updated: 31 August 2025. Strasbourg.